КОРРУПЦИЯ ТАҲДИДИ ВА УНГА ҚАРШИ МАЪНАВИЙ ПРОФИЛАКТИКАНИНГ ИЖТИМОИЙ-ПЕДАГОГИК ЖИҲАТЛАРИ

Ш.А.Акрамова

Мақолада коррупцияга қарши маънавий профилактиканинг ижтимоий-педагогик жиҳатлари ёритилган, бўлажак божхона ходимларини тайёрлашда ушбу масалага алоҳида эътибор зарурлиги асослаб берилган.

***Калит сўзлар**: коррупция, профилактика, давлат хизмати, божхона, маънавий иллат, мотив.*

В статье освещены социально-педагогические аспекты духовно-нравственной работы против коррупции, обоснована необходимость особого внимания к данной профилактике при подготовке будущих работников таможни.

***Ключевые слова**: коррупция, профилактика, государственная служба, таможня, нравственный порок, мотив.*

The article highlights the social and pedagogical aspects of the spiritual and moral measures against corruption, the necessity of paying special attention to this problem in the process of preparing and training the customs' officers.

***Key words**: corruption prevention, the civil service, customs, moral defect, motiff.*

XX аср охири ҳамда XXI аср бошида коррупция иллат давлатлари иқтисодиётига ҳамда бўлажак давлат хизматчилари маънавиятига таҳдид солувчи маънавий иллат сифатида ҳам намоён бўлмоқда.

Коррупция луғавий маънода лот. corrumpere – маънавий (ахлоқий) бузилиш / лот. corruptio – порага сотилиш, айнишни англатади. Халқаро ҳуқуқда коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олишга қаратилган мустаҳкам ҳуқуқий база шаклланган. Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши кураш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. 2008 йил 7 июлда "Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши кураш конвенциясига қўшилиши тўғрисида"ги қонун бу борадаги ишларнинг асоси ҳисобланади [2.44-45].

Коррупция – аввало маънавий иллатдан келиб чиқувчи девиант хулқ-атвор шакли. Шу боис давлат хизматчиларининг ахлоқ қоидаларига риоя этиши, жамиятда ўзини тутиши, хизмат интизомининг мустаҳкамлиги, Ватанига, Президентига садоқатини мустаҳкамлашга қаратилган тарбиявий-профилактик ишларни кучайтириш бўйича самарали ишлар олиб борилмоқда. Бироқ масалани илмий-педагогик нуқтаи назардан ўрганиб, янада такомиллаштириш бўйича изланишлар, таклиф ва тавсиялар етарли эмас.

Хорижий ва миллий тажриба, шунингдек, амалдаги қонунчилик таҳлили шундай хулосага олиб келадики, “Коррупция” ҳодисасининг мотиви шахснинг маънавий хусусияларига бориб боғланади. Шу боис коррупциянинг маънавий моҳияти мансабдор шахснинг касбий маънавиятидаги иллат бўлиб, унинг ўз манфаатини Ватан, давлат, халқ манфаатларидан устун қўйиши оқибатида хизмат вазифалари имкониятларидан шахсий фойда олиш мақсадида фойдаланиши, деб таърифлаш мумкин.

Коррупция ва жиноятчиликнинг юртимиз хавфсизлигига таҳдидларини И.Каримов “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” номли асарида атрофлича ёритиб берган. Ушбу асарда коррупция қуйидаги салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида тўхталиб ўтилган:

– амалга оширилаётган ислоҳотларга қаршилик кўрсатиши;

– давлатнинг конституциявий асосларини емириши;

– жамият аъзоларининг фуқаролик мавқеини йўққа чиқариши ҳамда ислоҳотлар ғоясини обрўсизлантириши;

– жамиятнинг маънавий-ахлоқий асосларини емириши;

– пул орқали ҳокимиятни қўлга олишга интилиши;

– нопок йўллар билан бойлик орттириши. Бундай кимсалар адолатли жазодан қўрқиб, ҳамма ишни қилишга, ҳатто вазиятни беқарорлаштиришга, оммавий тартибсизликларни келтириб чиқаришга шай турадилар;

– жиноий усуллар билан бойлик орттирган кимсаларни “демократия” учун жафо чеккан курашчилар деб кўрсатиш;

– жаҳон хўжалик алоқаларига фаол интеграциялашув, чет эл инвестициялари ва тадбиркорларини иқтисодий ўзгаришлар жараёнига тортишга қаршилик кўрсатиш [1.88-95].

Бу эса бўлажак божхона ходимларини тарбиялашда уларнинг Ватан, давлат, касбий бурч олдидаги маъсулиятини оширишга қаратилган самарали маънавий-маърифий, педагогик профилактик чора-тадбирларни тизимли амалга ошириб боришни тақозо этади. Коррупциянинг олдини олиш бўйича педагогик-психологик ишлар – бу педагогик, психологик, ижтимоий-психологик ва психофизиологик технологиялар, методлар ва методикалардан фойланган ҳолда коррупцион ҳуқуқбузарликларнинг иқтисодий, маънавий оқибатларини тушунтиришга йўналтирилган фаолиятдир.

Коррупцияни пайдо қилувчи омиллар даражасини Г.Беккер томонидан ишлаб чиқилган жиноий фаолиятни таҳлил қилиш учун мўлжалланган универсал аппаратдан фойдаланган ҳолда ҳисоблаб чиқариш мумкин. Бунда масъул ходим пора қабул қилганида, унинг қийматига нисбатан субъектив баҳо беради:

S – порадан олинган нафнинг субъектив баҳоси;

P – жазоланиш эҳтимолининг субъектив баҳоси;

D – жазоланишдан йўқотадиганларининг субъектив баҳоси.

Порадан (ER) кутиладиган соф фойда қуйидагига тенг бўлади:

ER =(1–p)S+p(S–D)=S–pD

Агарда ушбу қиймат ижобий чиқса, пора олиш йўли танланади, агарда салбий бўлса – қонуний фаолият танланади [3]. Ушбу формулада коррупциянинг иқтисодий-ҳуқуқий масала сифатидаги моҳияти акс эттирилган. Бироқ унинг маънавий-ахлоқий жиҳати эътибордан четда қолдирилган. Бу эса ушбу таҳдиднинг олдини олишга қаратилган маънавий тарбиявий ишлар натижадорлигини кучайтиришни талаб қилади. Масалан, шахсий тавсифнома, психологик хусусиятлар, ходим маънавиятини ўрганиб, такомиллаштириб бориш, ахлоқ кодекси талаблари асосида божхона ходимлари ўртасида педагогик-профилактик ишлар олиб боришнинг самараси катта бўлади.

Ходимларнинг маънавий дунёсини, қадриятлар иерархиясини, энг аҳамиятли мотивацион омиллари ва эҳтиёжларини таҳлил қилиш, кузатишлар, ижтимоий фикр сўровларини режали ва тизимли равишда ўтказиб бориш уларни такомиллаштиришга йўналтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Коррупциянинг олдини олишга қарши қаратилган бундай илмий-педагогик тадқиқотларнинг мақсади ходимларнинг хатти-ҳаракатларида юксак маънавиятни ташкил этувчи Ватанга садоқат, ҳалоллик, беғаразлик, фидокорлик, масъулиятлилик, ислоҳотларга дахлдорлик каби фазилатларни кучайтириб, коррупция таҳдидига тўсиққа айлантиради.

Ходимларниг ўз меҳнатидан маънавий қониқишини, ташкилотнинг самарали ишлаши нуқтаи назаридан қараганда, ходим хатти-ҳаракатининг бир мезони деб ҳисоблаш мумкин: агарда ходимнинг ишидан маънавий қониқиши паст даражада бўлса, унда унинг ташкилотдаги фаолияти ҳам самарасиз бўлади. Яъни ходимнинг ишидан маънавий қониқиши ва ташкилий хатти-ҳаракатидаги самарадорлик сифатидаги категориялар

ўртасида тўғридан-тўғри пропорционал боғлиқлик мавжуд: меҳнатдан маънавий қониқиш даражаси қанчалик пасайиб борса, ходимнинг ташкилотдаги фаолияти шунчалик самарасиз бўлади ва ғаразли хатти-ҳаракатнинг шаклланишига имконият яратилади.

Ташкилотда ходимнинг ўз меҳнатидан маънавий қониқиши – ишининг ўзи, меҳнат шароитлари ва ташкилотдаги маънавий-психологик муҳитнинг хусусиятларига мувофиқ келиши билан юзага келади. Меҳнатдан маънавий қониқиш – бу ходимнинг ўз иши ва унинг натижаларига муносабатини баҳолаш натижасида юзага келувчи ижобий туйғу ва ҳиссиётлар мажмуидир. У ходим томонидан унинг ижрочилиги, бажараётган ишига нисбатан юқори даражадаги масъулиятлилиги, ишини янада яхшироқ бажаришга интилиши, ўзини тутиш ва қўйиладиган талабларнинг ҳуқуқий меъёрларига амал қилишида намоён бўладиган ишдаги ижобий, конструктив муносабатини рағбатлантиради.

Бўлажак божхона хизмати ходимларини коррупцияга қарши руҳда тарбиялаш бўйича тадқиқотлар олиб боришда Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримовнинг маънавий-маърифий меросини чуқур ўрганиш, тингловчилар орасида миллий ғоямиз устуворлигига асосланган маънавий-маърифий муҳитнинг аҳамияти жуда катта. Юқорида кўрсатилган омилларнинг бўлажак божхона хизмати ходимларининг мотивацион соҳага таъсирини ҳисобга олган ҳолда таълим-тарбия мазмунини мунтазам такомиллаштириб бориш Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – Б. 88–95.

2. Зокиров Б.Э. Коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари ва уларни такомиллаштириш йўллари. // Коррупцияга қарши курашиш – жамият ва давлат хавфсизлигининг гарови. – Республика илмий-амалий конференцияси материаллари (2015 йил 26 ноябрь). – Т.: ЎзР ИИВ Академияси, 2016. – 367 б.

3. Becker G.S. Crime and punishment an economic approach.Jornal of Political economy.vol, 76,n.2. 1998.

Олий ҳарбий божхона институти
2016 йил 2 июлда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. М.Ортиқова)